ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ УНУМЛИ ИШЛАСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 184 (4900).

18 СЕНТЯБРЬ СЕШАНБА 1973 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Терешкова номли колхозда «зангори кема»лар жавлон урмоқда. Ҳар бир механизатор мавсумда юз тоннадан пахта териш мажбуриятини олишган. Аҳдига вафодор теримчилар ишни конвейер усулида олиб боришяпти. Шу сабабли ҳар бир агрегат икки сменада ишламоқда. Э. Шокиров, Р. Ҳайдаров, Х. Тўхтаев каби механизаторлар дастлабки кунданоқ кунлик нормаларини ошириб бажармоқдалар. Суратда: (юқорида) Э. Шокиров, пастда машина терими.

А. АБАЛЯН фотоси.



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ҚАҲРАМОН НОВОРОССИЙСК ШАҲРИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА НОВОРОССИЙСК УЧУН БЎЛГАН ЖАНГЛАРНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Бугунги кун шонли Новороссийск шаҳри тарихидаги энг ажойиб кунлардан биридир!

Новороссийскка «Қаҳрамон шаҳар» деган юксак ва фахрли унвон берилганлиги, у Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали билан мукофотланганлиги муносабати билан мен Сизлар билан бирга самимий ҳурсандчилик ва фахрланиш ҳисларига тўлдим.

Бу, чинакам тарихий ҳужжатда совет халқи партия ва ҳукуматнинг миннатдорчилик ва ташаккури ифодаланган, совет жанубининг дурдонаси — Шимолий Кавказга интилган душман йўлини тўсиб, шаҳар остоналарида жонини аямай мисли сиз мардлик, матонат ва давюраклик кўрсатган барча кишиларнинг қаҳрамонона жасоратига юксак баҳо берилган.

Азиз новороссийскликлар ва жанговар дўстлар, Сизларни Ватаннинг юксак мукофоти билан чин кўнгилдан астойдил қутлайман!

Ана шу ажойиб шаҳарнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини бундан буён ҳам муқаддас билиб сақлашингизга ва кўпайтиришингизга аминман!

Қаҳрамон Новороссийск шаҳрига шон-шарафлар!

Улуғ Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигининг қаҳрамон ҳимоячиларига абадий шон-шарафлар!

Л. БРЕЖНЕВ.

Қрим, 1973 йил 15 сентябрь.

ҚАҲРАМОН КЕРЧЬ ШАҲРИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА ВА КЕРЧЬ ЯРИМ ОРОЛИДАГИ ҚАҲРАМОНОНА ЖАНГЛАРДА ҚАТНАШГАН ЖАНГЧИЛАРГА!

Азиз ўртоқлар!

Керчь шаҳрига «Қаҳрамон шаҳар» деган юксак ва фахрли унвон берилганлиги, шаҳар Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали билан мукофотланганлиги билан Сизларни самимий қутлайман!

Фашист босқинчиларга қарши курашда Сизлар кўрсатган ғоят буюк қаҳрамонлик ва фидокорликка муносиб баҳо берилди. Бу мукофотда Қрим ярим оролидаги жангларда бевосита қатнашган қаҳрамон жангчиларга, совет ватанпарварларининг Ажи-мушкай тош конларида кўрсатган мардонавор жасоратига, ғоят зўр сабот ва матонат кўрсатиб, улуғ ғалабамиз учун бутун кучини бағишлаган шаҳарнинг барча меҳнаткашларига Ватан, партия, ҳукумат ва бутун совет халқининг миннатдорчилиги ифодаланган.

Азиз ўртоқлар. Сизларга сиҳат-саломатлик, шахсий ҳаётингизда бахт ва социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлидаги меҳнатда муваффақиятлар тилайман!

Қаҳрамон Керчь шаҳрига шон-шарафлар!

Улуғ Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигининг қаҳрамон ҳимоячиларига абадий шон-шарафлар!

Л. БРЕЖНЕВ.

Қрим, 1973 йил 15 сентябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

НОВОРОССИЙСК ШАҲРИГА «ҚАҲРАМОН ШАҲАР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Армияси Ҳарбий Денгиз Флоти ва авиацияси жангчиларининг Ватан олдидаги жуда катта хизматлари оммавий қаҳрамонлиги мардлиги ва матонати учун ҳамда Шимолий Кавказни ҳимоя қилиш чоғида фашист қўшинлари тор-мор этилганлигининг 30 йиллигини нишонлаб **Новороссийск шаҳрига «Қаҳрамон шаҳар»** фахрий унвони берилсин. **Ленин ордени** ва **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1973 йил, 14 сентябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КЕРЧЬ ШАҲРИГА «ҚАҲРАМОН ШАҲАР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА


Улуғ Ватан уруши йилларида Керчь меҳнаткашларининг ва Совет Армияси Ҳарбий Денгиз Флоти ва авиацияси жангчиларининг Ватан олдидаги жуда катта хизматлари оммавий қаҳрамонлиги мардлиги ва матонати учун ҳамда Қримни озод қилиш чоғида фашист қўшинлари тор-мор этилганлигининг 30 йиллигини нишонлаб **Керчь шаҳрига «Қаҳрамон шаҳар»** фахрий унвони берилсин. **Ленин ордени** ва **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1973 йил, 14 сентябрь.

„ЗАНГОРИ КЕМА"ЛАР ДАЛАДА



ПАХТАКОРЛАРНИНГ БУЮРТМАСИ БАЖАРИЛДИ

«Ташсельмаш» заводининг коллективи ипак пахта теришга аталган янги НЮ-75 маркали тўрт қаторли 200 та машинага берилган буюртмани бажо келтирди.

Ипак пахтани одатдаги машина билан териб бўлмасди — пахтага кўп хас-чўп илашиб кетарди. Пахтачилик машиналари тайёрлайдиган ихтисослашган бош конструкторлик бюросининг коллективи терим агрегатининг янги моделини яратди. Терилган пахта ўтиб борадиган тўр қувур системаси, катакли шпинделлар ипак пахта тозаси, хас-чўп илашмай терилишига имкон берди. Машина далада синаб кўрилганда, механик-ҳайдовчи эрталабдан кечгача бункердан 15—20 тонна пахта тўка олиши мумкинлигини кўрсатди. 300 та теримчи ҳам қўлда тахминан шунча пахта тера олади.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА ВИЗИТ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Болгария Коммунистик партияси Марказий комитетининг таклифига биноан шу йил сентябрь ойида дўстона визит билан Болгария Халқ Республикасига боради.

ОРТЕНСИЯ БУССИ ДЕ АЛЬЕНДЕ ХОНИМГА

Рафиқингиз, Чили Республикасининг президенти, Чили революцияси учун, демократия ва тинчлик учун мардонавор курашчи, миллий-озодлик ҳаракатининг атоқли арбоби Сальвадор Альенде Госсенсининг фожиали ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, чуқур ҳаяжонландик. Бизнинг энг самимий таъзиямизни ҳамда ҳамдардлигимизни қабул қилишни Сиздан ва оила аъзоларингиздан сўраймиз. Бу мисли сиз жудоликда қайғу-аламингизга ҳамдардмиз.

Н. ПОДГОРНИЙ.

НАВБАТ МАЖБУРИЯТГА

◆ РАЙОНДА БИРИНЧИ ◆ ПЛАНДАГИ 1600 ТОННА ЎРНИГА 1700 ТОННА САБЗАВОТ ◆ ЯНГИ МАЖБУРИЯТ ◆ ҲОЗИРГИ УРУҒ—КЕЛГУСИ ҲОСИЛ ◆ ЮТУҚ ЧЕГАРА БИЛМАИДИ ◆

«Меҳнат соҳасидаги зафарларимиз билан беш йилликка муносиб ҳисса қўшамиз!». Бу жанговар шиорга қатъий амал қилаётган азамат колхозчиларимиз яқинда сабзавот маҳсулотлари бўйича йиллик планни бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини оғишмай амалга ошираётган колхозимиз аъзолари давлатга пландаги 1600 тонна ўрнига 1700 тоннадан зиёд сабзавот маҳсулотлари етказиб бердилар. Шуниси қувончлики, бу маррани биздан районда биринчи бўлиб эгалладик. Шунингдек, пиёз уруғи етиштириш бўйича белгиланган план ҳам оширилиб адо этилди. 67 ўрнига 80 тонна сифатли уруғ сотилди.

Хўш, бундай ажойиб муваффақиятларни қўлга киритишимизда қандай омиллардан фойдаландик?

Энг аввало шуни айтиш керакки, бизнинг перспектив беш йиллик планимизда ҳосилдорликнинг умумий ҳажмини йилдан йилга ошира бориш кўзда тутилган. Бизлар ана шу мақсад сари астойдил интилмоқдамиз. Беш йилликнинг дастлабки йилида 1492 тонна маҳсулот етиштирган бўлсак, ўтган йили давлатга 1855 тонна сабзавот сотдик. Бу йил эса 2500 тоннадан ҳам ошиқ бўлади, деган умидимиз бор.

Ҳосил ўз-ўзидан битиб, мана, мени ол, демайди. Мўл ҳосилни одамлар яратади. Ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан, пешона терлари билан катта хирмон бунёд этадилар. Шу боисдан ҳам одамларни меҳнатсеварлик, жонбозлик, ишбилармонлик, деҳқончилик касбига муҳаббат руҳида тарбиялаш қўнгилдаги натижаларни бермоқда.

Мана бир мисол. Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори, коммунист, ишлаб чиқариш ветерани Паттоҳ Набиев. У ишнинг кўзини биладиган, қаловини билиб, қорни ёндирадиган киши. У бир неча йиллар мобайнида колхозда масъул лавозимларда ишлаб келди. Ўтган йил баҳорида у қолоқ бригадага ўтиб, ишлаш ва ҳосилдорликни кескин кўтариш истагини билдирди.

Натижа нима бўлди? Бу йил у эрта кўкламдан бошлаб астойдил ишга киришди. Неки қилса пухта қилишга уринди. Ҳаракатдан баракат деганларидек Ф. Набиев бригадаси хўжалигимизда биринчи бўлиб 13 августда сабзавот сотиш бўйича йиллик планини бажарди. Ҳозиргача у 10 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 тоннадан ҳосил кўтарди. Мақсад эса 50 тонна! Ишни дўндириш деб буни айтадилар.

Ёки коммунист Носирхўжа Одилхўжаевни олиб кўрайлик. У колхоз идорасида ишларди. Чорвачилик бўйича мутахассис бухгалтер эди. Фермада ишлар бир оз бўшашиб қолганини сезган Н. Одилхўжаев фермага ишга ўтказишимизни илтимос қилди. Уни ферма мудири қилиб тайинладик.

Ҳозиргача давлатга пландаги 370 тонна ўрнига 326 тонна сут, 30 тонна ўрнига 24 тонна гўшт топширдик. Ҳа демай йиллик план адо этилади. Мана сизга коммунист Н. Одилхўжаев ишининг ҳайрли оқибати.

Ишлаб чиқариш соҳасида бундай яхши муваффақиятларга эришган бригада ва звено бошлиқларимиз, илғор колхозчиларимиз жуда кўп. КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, звено бошлиғи К. Абдуллаева, бригадирлардан О. Абдуллаев, Т. Хожиев, Ж. Эгамбердиев, оддий колхозчилардан Х. Нуъмонова, Ж. Тожибоева, А. Зойирова, Ж. Усмонова, В. Бўронбоев, С. Усмонов, И. Бердиев, сут соғувчилардан У. Назарова, Р. Гафурова, Н. Маҳмудовалар номини бугунги кунда мамнуният билан тилга оламиз.

Социалистик мусобақа — ютуқлар гарови, деб бежиз айтишмайди. Бунга бизлар кундалик ҳаётимизда амин бўлаётирмиз. Хўжалигимизда бригадалар, звеноларарро мусобақа дуруст йўлга қўйилган, Ҳар ойда, ҳар кварталда ўзаро текшириш комиссияларининг аъзолари мусобақадош бригадаларда ёки звеноларда бўлиб, иш сифатини, мусобақа шартларининг бажарилишини кўрикдан ўтказадилар.

Хўжалигимиз аъзолари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, давлатга сабзавот ва уруғлик етказиб беришда давом этмоқдалар. Планга қўшимча яна минг тонна сабзавот етиштириб берамиз, районимиз сабзавотчилари бунёд этадиган 75000 тонналик умумий хирмонга муносиб ҳисса қўшамиз, деган эканмиз, сўзимизнинг устидан албатта чиқамиз. Бу йилги ютуқларимиз Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейига туҳфамиз бўлади.

М. МИРСОАТОВ,
Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг раиси.

А. ТЎЛАГАНОВ,
Колхоз партия ташкилотининг секретари.

ИЛҒОР САБЗАВОТКОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети 1973 йил август ойида давлатга сабзавот, мева ва картошка сотиш бўйича районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, қарор қилдилар.

1. Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини **Бўстонлиқ** районига (район партия комитетининг биринчи секретари **Шамснев**, район ижроия комитетининг раиси **Қўйшиманов**, район комсомол комитетининг секретари **Усмонова**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Усмонов**, район давлат тайёрлаш инспекциясининг бош инспектори **Сайдалиев** ўртоқлар) берилди. Бу район давлатга контрактация шартномаси бўйича август ойида сабзавот топшириш планини 112 процент, мева — 168,3 процент, полиз экинлари маҳсулотлари топшириш планини 200 процент бажарган.

Байроқ Калинин районидан олиб берилади.

2. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи шу райондаги **Жданов** номли колхозда (раиси **Абдуҳолиқов**, партия ташкилотининг секретари **Абдуллаев**, бош агрономи **Қурбонов** ўртоқлар) қолдирилди. Бу колхоз контрактация шартномалари бўйича август ойида давлатга сабзавот сотиш планини 309,8 процент, полиз экинлари маҳсулоти сотиш планини 171 процент бажарган.

3. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Калинин районидаги **2-«Тошкент»** совхозига (директори **Рашидов**, партия ташкилотининг секретари **Худойберганов**, бош агрономи **Медетбеков** ўртоқлар) берилди. Бу совхоз контрактация шартномалари бўйича август ойида давлатга сабзавот топшириш планини 140 процент, картошка — 162 процент, полиз экинлари маҳсулоти топшириш планини 181 процент бажарган.

Байроқ шу райондаги 1-«Тошкент» совхозидан олиб берилади.

БАНГЛАДЕШ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Бангладеш миллий халқ партияси раисининг ўринбосари Азизулло Ҳақ бошчилигида шу партия раҳбарлигининг делегацияси 15 сентябрда Тошкентга келди. Делегация чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи совет жамиятлари союзининг ҳамда «СССР—Бангладеш» дўстлик жамиятининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди.

Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалини, амалий санъат музейини бориб кўрдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Бангладеш делегациясининг аъзолари 16 сентябрда Калинин район партия комитетига бўлдилар. Район «Ленинчи» газетасининг ниши билан танишдилар. Йўлдош Оҳунбобоев номли колхозда бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ЕМ-ХАШАК МЎЛ БЎЛАДИ

ЧИНОЗ районидаги Жамбул номли совхозда икки йилга етадиган миқдорда ем-хашак ғамлаб қўйилди. Келес массивида жойлашган бу хўжалик шу йил баҳорда Сирдарё одоғида ўзлаштирилган 60 гектар майдонда етиштирилган экинлардан ҳам мўл озуқа олди. Ладми бедапоялар анча кенгайтирилиб, бедадан мўл ҳосил етиштирилди. 58 минг бош қўйнинг тўқ қишлови таъминланади. 8 минг тоннадан кўп хашак қўтонлар ёнига ташиб келтирилди.

Бу ерда биринчи марта чорва учун хилма-хил озуқа— етарли миқдорда маккажўхори силоси, пичан сомон, илдиз мевалар тайёрланди. Пичан талқони ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 200 тонна талқон ғамлаб қўйилди, ҳаммаси бўлиб 500 тонна талқон тайёрлаш кўзда тутилади.

Чорва биноларини қишга тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Мавжуд қўтонларнинг ярмидан кўпроғи ремонтдан чиқарилди, янги қўтонлар қурилмоқда.

Калинин районидаги Оҳунбобоев номли қўшин қўйчилик совхозининг механизаторлари ҳам чорва учун тўқ ва иссиқ қишлов тайёрламоқдалар. Ўз отарларини Келес массивида ўтлатаётган бу ҳар икки хўжалик Тошкент области чорвадорларининг ишига юксак баҳо берилганлигига жавобан бу йил чорва тўёғини кўпайтиришга қарор қилдилар. (ЎзТАГ).

400 МИНГ ТОННА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ 17 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ хўжалик планига нисбатан процент ҳисобида)

	Биринчи стун — бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери.	
Чиноз	1,42	6,91
Янгийўл	1,43	6,22
Пискент	1,59	6,18
Бекобод	1,41	5,31
Ўрта Чирчиқ	0,93	3,35
Бўка	0,78	3,24
Юқори Чирчиқ	0,70	1,80
Оққўрғон	0,57	1,66
Область бўйича	1,03	3,94

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ 17 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

	Биринчи стун — бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери (такрорий дефолиация билан бирга)	
Оққўрғон	19,7	191,1
Бекобод	4,6	150,2
Пискент	8,3	146,8
Бўка	7,8	137,8
Юқори Чирчиқ	9,7	142,4
Ўрта Чирчиқ	1,2	114,1
Чиноз	3,7	104,3
Янгийўл	8,3	100,2
Область бўйича	8,5	141,4

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА МАККАЖЎХОРИ ЎРИШ ВА ДОН ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ 17 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

	Биринчи стун — ўрилган майдон (процент ҳисобида), иккинчи стун—дон тайёрлаш (процент ҳисобида).	
Бўстонлиқ	69,5	24,5
Оққўрғон	65,1	105,9
Бўка	64,6	101,0
Янгийўл	62,1	35,6
Пискент	61,3	104,5
Бекобод	57,0	94,8
Чиноз	56,0	89,1
Юқори Чирчиқ	54,0	86,7
Калинин	54,0	85,0
Ўрта Чирчиқ	48,5	104,2
Оржоникидзе	36,7	0,6
Оҳангарон	34,1	38,5
Область бўйича	54,8	73,5

РИВОЖЛАНАЁТГАН СОҲА

Пахтачилик 2-«Далварзин» совхозида етакчи тармоқ ҳисобланади. Бу ерда кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилаётир. Бу борада барча зарур тадбир чоралар амалга оширилди. Бу йилги натижа айниқса қувончлидир. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик қорамоллар сони 144 бошга кўпайди. Жумладан, соғин сигирлар 360 бошга етди. Шунингдек, чўчқалар сони ҳам тез суръатларда ўсяпти.

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш бўйича учинчи квартал плани муваффақиятли адо этилди. Пландаги 5 минг ўринга 5577 центнер сут, 1420 ўринга 1680 центнер гўшт, 55 минг дона ўринга 102 минг дона тухум давлатга сотилди.

Хўжалик чорвадорлари бу йил ҳам қишлов учун мустаҳкам озуқа базасини яратиш борасида катта ишларни амалга оширишяпти. Шу мақсадда 170 гектар майдонга жўхори экилган. Шундан 63 гектари дон, 107 гектари силос учун ажратилди. Жўхорикорлар ҳар гектар майдондан пландаги 31 ўрнига 60 центнердан дон, 300 ўрнига 500 центнердан силос бостириш мажбуриятини олишган. Хўжалик чорвадорлари планга мувофиқ 3540 тонна силос бостиришни мўлжаллаган эдилар. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 5200 тонна силос бостиришга қарор қилишди. Бундан ташқари 1400 тоннадан зиёд сенаж, 600 тонна беда пичани ва бошқа турдаги чорва озуқалари тайёрлаб қўйилди.

В. УРИЦКИЙ,
Бекобод райони.



ПЕШҚАДАМ

СУТ СОҒУВЧИЛАР

КАЛИНИН районидаги «Қорасув» совхози йирик сабзавоткор ва чорвадор хўжаликдир. Совхоз коллективи шаҳар аҳолисига сабзавот ва сут етказиб беришни йил сайин ошириб бормоқда. Қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган совхознинг пешқадам сут соғувчилари сигирлардан серқаймоқ сут соғиб олишда айниқса катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Совхоз фермаларида зотли ва сersут сигирлар боқилади. Сигирларни турли хил кўк ем-хашак билан боқишга алоҳида эътибор берилади. Совхозда ҳозиргача мўл-кўл ем-хашак жамғарилиб, чорва қишловига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Кўпгина сут соғувчилар сигирлардан йиллик сут соғиб олиш планларини яқин ойлар ичида бажаришни мўлжаллаб турибдилар. Сут соғувчилар ўртасида социалистик мусобақа ҳар ойда якунланиб турилади. Суратда: социалистик мусобақа голиблари илғор сут соғувчилардан (чапдан) М. Эргашева, Б. Исроилова, В. Смолякова, М. Шарафиддинова, Т. Серикбоева ва Н. Берёзина ўртоқлар.

А. АБАЛЯН фотоси.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ЖАМОАТ ЧОРВАЧИЛИГИНИНГ АҲВОЛИ ВА УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Область меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг мамлакат экономикасини янада юксалтириш ва совет халқининг турмуш фаровонлигини ошириш юзасидан қабул қилган тарихий қарорларини бажара бориб, партия ташкилотининг раҳбарлиги остида ўзларининг бутун куч-ғайратларини беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга сафарбар қилмоқдалар.

Колхозчилар, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари шонли меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Давлатга пилла сотиш юзасидан зиммага олинган социалистик мажбурият муваффақиятли суратда бажарилди. Давлатга икки йиллик план миқдорида галла сотилди. Сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулотлари, мева ва узум тайёрлаш ҳам ўтган йилдагига нисбатан олдинда бормоқда.

Ҳозирги пайтда далаларда етиштирилган маккажўхори дони ва шолининг мўл ҳосилини ўриб-йиғиб олиш юзасидан қизғин ишлар олиб борилмоқда. 400 минг тонналик Тошкент пахтаси учун олиб борилаётган курашнинг сўнгги ҳал қилувчи босқичида социалистик мусобақа кенг қулоч ёздирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган чорвачиликда ҳам бир мунча муваффақиятлар қўлга киритилди. Беш йилликнинг ўтган икки йили мобайнида областда гўшт етиштириш 1970 йилдагига нисбатан 10 процент, сут етиштириш 24 процент, тухум етиштириш 12 процент кўпайтирилди, чорва молларининг туёқ сони ўсди, уларнинг маҳсулдорлиги ортди. Колхоз ва совхозлар жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш мақсадида 1973—1975 йилларга мўлжалланган конкрет тадбирлар ишлаб чиқилар ва 1973 йилдаёқ чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш ҳамда давлатга 88,2 минг тонна ёки халқ хўжалиги планидагидан 9,9 минг тонна кўп сут, 25,7 минг тонна ёки пландагидан 2,2 минг тонна кўп гўшт, 134 миллион дона ёки пландагидан 31 миллион дона кўп тухум сотишга аҳд қилдилар.

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети область ижроия комитети раиси ўртоқ С. А. Асомовнинг «Колхоз ва совхозларда жамоат чорвачилигининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида» қилган докладини тинглаб ва муҳокама қилиб шуни таъкидладики, колхозлар ва давлат хўжаликлари ишлаб чиқаришни тадбиларни амалга ошира бориб, 1973 йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 1972 йилнинг шу муддатидагига нисбатан ҳамма турдаги моллар ва паррандаларнинг сонини кўпайтиришга, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва уни давлатга сотишни кўпайтиришга эришдилар. Давлатга ўтган йилдагига нисбатан 2,4 минг тонна кўп гўшт, 5,4 минг тоннадан кўпроқ сут, 20,2 миллион донадан кўпроқ тухум сотилди, жун сотиш бўйича берилган халқ хўжалиги плани бажарилди. Оққўрғон, Бўка, Юқори Чирчиқ, Оржоникидзе районларининг чорвадорлари социалистик мажбуриятларини белгиланган тадбирларни бажаришда катта ютуқларни қўлга киритдилар.

Чорвачиликда эришилган бир мунча муваффақиятлар партия ташкилотлари, маҳаллий Советлар, қишлоқ хўжалиги органлари ҳамда колхоз ва совхоз раҳбарларининг катта ижодий ишлари; чорвадорлар ва деҳқонларнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, фермаларда техника прогрессини жорий этиш, молларнинг наслдорлигини яхшилаш юзасидан олиб бораётган фидокорона меҳнатлари натижасидир.

Эришилган ютуқлар билан бир қаторда кўпгина хўжаликларда чорвачилик ҳамон қолоқ ва норентабел тармоқ бўлиб келаяпти, гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш суръатларини оширишнинг мавжуд имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти.

Чорвачилик ишлаб чиқаришнинг асоси бўлган маҳсулдор молларнинг туёқ сонини кўпайтириш ниҳоятда сust даражада олиб борилмоқда. Область бўйича сигирлар сони белгиланган тадбирлардагига нисбатан 5,5 минг бош кам. Молларнинг сонини кўпайтириш борасида айниқса Оҳангарон, Калинин, Янгийўл ва Чиноз районларининг хўжаликлари орқада қолмоқдалар. Кўпгина хўжаликлар сигирлар подасини тўлдиришни тўғри ташкил қилмаганлар, болалайдиган бузоқларни яхши боқмаяптилар, сигирлар ва совлиқларни сунъий қочиришни талаблар даражасида ташкил қилмаганлар ва уларнинг қисир қолишига йўл қўймоқдалар.

Чорвачиликнинг рентабелли тармоқларидан бири бўлган қўйчиликни (айниқса Оҳангарон районида) ривожлантиришнинг катта имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти. Бир қатор хўжаликларда, шу жумладан ихтисослаштирилган «Серго», «Олмалиқ» совхозлари ва бошқаларда молларнинг йил сайин кўплаб чиқитга чиқиб кетишига ва кам қузи олинишига йўл қўймоқдалар.

Молларни бўрдоқига боқишни яхшилаш ҳисобига гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг катта резервларидан етарли фойдаланилмаётир. Ҳанузгача Озиқ овқат саноати Министрлигига қарашли совхозлар давлатга гўшт учун ҳар бири 300 килограммдан кам вазнли, Бўстонлиқ ва Янгийўл районларининг хўжаликлари 330 килограммдан кам вазнли қорамолларни топширмоқдалар.

Колхозлараро бўрдоқичилик базаларининг ишлаб чиқариш қувватларини оширишнинг имкониятларидан етарли фойдаланилмаяпти. Парҳез гўшти етиштиришни кўпайтиришда катта резерв бўлиб ҳисобланган қўйчиликни ривожлантириш ниҳоятда қониқарсиз бормоқда.

Ем-хашак етиштириш анча кўпайтирилаётган бир пайтда областнинг кўпчилик хўжаликлари уларнинг тўйимлилигини ва сифатини ошириш масаласини сust ҳал қилмоқдалар.

Витамин уни тайёрлаш ишлари бениҳоя қониқарсиз ташкил этилган; Оққўрғон районидан бошқа бирорта район ҳам хўжаликлараро комбинациялаштирилган озуқалар заводларининг қурилишини бошлаб юбормаганлар, сугориладиган майдоний яйловлар барпо қилиш юзасидан берилган топшириқ барбод бўлмоқда.

Фермаларни механизациялаштириш даражаси паст суръатлар билан усяпти. «Узсельхозтехника» район бирлашмаларининг пунктлари томонидан чорвачилик фермаларига техникавий хизмат кўрсатишга ўтишнинг прогрессив усули ниҳоятда қониқарсиз равишда жорий этилмоқда.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Чорва молларининг туёқ сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва уни давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларни сўзсиз бажариш — область қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва уларнинг жойлардаги органлари меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари, колхоз ва совхоз раҳбарларининг асосий вазифасидир, деб ҳисобласин.

Ана шу мақсадда:

— маҳсулдор молларнинг, биринчи навбатда сигирларнинг сонини ошириш таъминласин, ҳар бир хўжаликда маҳсулдор молларни алоҳида парвариш қилиш ташкил этилсин, ҳамма ерда сигирлар, бузоқлар ва совлиқларни сунъий қочиришнинг прогрессив усули жорий этилсин;

— фермаларда санитария-ветеринариянинг аҳволини лозим даражада яхшилаш учун барча зарур чоралар кўрилсин;

— гўштга топшириладиган молларнинг вазн кондициясини оширишга эришилсин, хўжаликлараро бўрдоқичилик базаларида ёш молларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш кенг қўламда ихтисослаштирилсин, бу базаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишнинг барча зарур чоралари кўрилсин.

— гўшт ресурсларини кўпайтириш мақсадида қуёнчилик, кўл балиқчилиги, гўшт етиштиришга мўлжалланган паррандачилик, гўшт, жун етиштиришга мўлжалланган қўйчилик бутун чоралар билан ривожлантирилсин.

2. Область қишлоқ хўжалиги бошқармаси, совхозлар трестлари, область суғориш тармоқлари бошқармаси, район ижроия комитетлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари зиммасига ем-хашак базасини бундан буён янада мустаҳкамлаш ва ем-хашак етиштиришни кўпайтириш учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин. Бунинг учун:

— хўжаликларнинг деҳқончилигини илмий асосланган пахта-беда алмашлаб экишига ўтишини планли равишда амалга оширилсин;

— ем-хашак етиштириш мақсадларида кузги экинлар, иккинчи қайта экиладиган ва оралиқ экинларнинг майдонлари бутун чоралар билан кенгайтирилсин;

— ем учун мўлжалланган дон етиштиришни кўпайтириш мақсадида дон учун экиладиган маккажўхори, сорго ва арпа майдонлари кенгайтирилсин;

— витаминли беда ва ўт унларини ишлаб чиқариш максимал даражада оширилсин, 1974 йилданоқ барча районларда хўжаликлараро комбинациялаштирилган озуқалар заводлари қурилиши бошлаб юборилсин ва хлорелла ишлаб чиқарадиган установкалар ўрнатилсин;

— насослар ёрдамида суғориш йўли билан маданий яйловлар барпо қилиш учун ер майдонларидан максимал даражада фойдаланишнинг имкониятлари қидириб топилсин.

3. Область қишлоқ хўжалиги бошқармаси, совхозлар трестлари, «Узсельхозтехника» область бирлашмаси ва уннинг жойлардаги органлари, район ижроия комитетлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари зиммасига яқин 2—3 йил ичида чорвачилик фермаларини максимал даражада механизациялаштиришни таъминлаш вазифаси юклансин. Бу мақсадда:

— фермаларни асосан комплекс механизациялаштириш амалга оширилсин.

— 1973—1974 йиллар мобайнида барча районларда «Узсельхозтехника» район бирлашмалари қошида чорвачилик фермаларига техникавий хизмат кўрсатадиган пунктлар ташкил этилсин ва механизм ҳамда ускуналардан унумли фойдаланиш мақсадида бу пунктларга ҳамма хўжаликлар бириктириб қўйилсин, шунингдек улар зиммасига колхоз ва совхозларнинг механиклари, слесарлари, сут соғувчилари, молбоқарларига чорвачилик машиналари ва ускуналаридан фойдаланиш тартиб-қоидаларини ўргатиш вазифаси топширилсин.

— чорвачилик фермаларини механизациялаштиришда монтаж ишларининг сифатини ошириш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда «Узсельхозтехника» область бирлашмаси қўчма механизациялаштирилган колонналарининг монтажчи бригадалари район қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва хўжаликларнинг вакиллари иштирокида монтаж қилинган ускуналарни техникавий хизмат кўрсатиш пунктларига келажакда улардан фойдаланишнинг масъулиятини юклаган ҳолда топширадиган бўлсинлар.

4. Ҳозирги пайтда область қишлоқ хўжалиги органлари, район ижроия комитетлари, поселка ва қишлоқ Советлари, хўжалик раҳбарларининг асосий вазифаларидан бири — фермаларни чорва қишловига намунали қилиб тайёрлашдан иборат, деб ҳисобласин. Бунинг учун:

— сентябрь ойида хўжаликларнинг чорва қишловига тайёргарлиги давлат текширувидан ўтказилсин;

— текширув якунлари хўжаликларда, поселка, қишлоқ Советларининг ва район ижроия комитетларининг мажлисларида муҳокама қилинсин ҳамда аниқланган камчиликларни тугатиш муддатлари ва бу ишни бажарувчи шахслар конкрет белгилаб қўйилсин;

— барча қўй-қузиларни устихонаси кўралар билан таъминлаш ва отарлар қишлайдиган жойларга дагал ҳамда концентрациялаштирилган озуқаларнинг қишлик запасини ташиб боришни таъминлашга алоҳида эътибор берилсин.

5. Область матлубот жамияти, область соғлиқни сақлаш бўлими, область маданият ва кинофикация бошқармалари, район ижроия комитетлари ва хўжалик раҳбарлари зиммасига чорвадорларга айниқса қиш мавсумида маданий машиий хизмат кўрсатишни яхшилаш, ҳамма фермалар қошида чорвадорлар учун яхши жиҳозланган уйлар қуриш вазифаси юклансин.

6. Область қишлоқ хўжалиги бошқармаси, совхозлар трестлари, район ижроия комитетлари зиммасига фермаларда зоотехника ва бухгалтерияларнинг қатъий ҳисоб-китобларини олиб боришни йўлга қўйиш вазифаси юклансин.

7. Район ижроия комитетлари зиммасига чорва молларининг туёқ сонини кўпайтириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва уни давлатга сотиш юзасидан берилган халқ хўжалиги планларини муntазам равишда бажармай келаётган айрим хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтириш вазифаси юклансин.

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети шунга қатъий ишонч билдирадики, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари, колхозчилар ва совхоз ишчилари яқин йиллар ичида жамоат чорвачилигини кескин юксалтиришни таъминлаш ҳамда беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва уни давлатга сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга эришиш учун қуч-ғайратларини аямай меҳнат қиладилар.

С. АСОМОВ,
Тошкент область ижроия комитетининг раиси.

К. ҲИДОЯТОВ.
Тошкент область ижроия комитетининг секретари.

Тошкент шаҳри,
10 сентябрь 1973 йил.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Колхоз ва совхозлар дала шийпонлари ишчи кўригини ташкил этувчи область комиссияси кўрикнинг иккинчи даврини якунлади.

Область кўрик комиссияси таъкидлаганидек, колхоз ва совхозларнинг кўпгина коллективлари партия ва касаба союз ташкилотлари раҳбарлигида дала шийпонлари ишини сезиларли даражада яхшилашга, меҳнаткашларнинг унумли ишлашлари ва мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шароитларнинг яратиб беришга муваффақ бўлдилар.

Кўпгина дала шийпонларида пропагандистлар ва сиёсий ахборотчилари актив иш олиб бормоқдалар. Дала шийпонларида ҳужжатли ва илмий-оммабоп кинофильмлар, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, экинлар агротехникаси ҳақидаги фильмлар кўйиб берилаяпти.

Қатор дала шийпонлари касаба союз автоклублари, кўчма кинолари, агитбригадалари ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари коллективлари, оталиқдаги шаҳарлар театрлари ва филармония санъаткорлари, кутубхоналар хизматидан баҳраманд бўлдилар.

Лекин шунга қарамай комиссия таъкидлаганидек ҳали ҳам бир қатор дала шийпонларида меҳнаткашларнинг маданий дам олиши намунали йўлга қўйилмаган, болалар ясслари ремонтдан чиқарилмаган, омма орасида сиёсий-тарбиявий ишларни ташкил этиш юзасидан тадбирлар белгиланмаган. Бундай нуқсонлар Бекобод, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ каби районларнинг хўжаликларида кўпроқ учраб турибди.

Колхоз ва совхозлар дала шийпонлари ишчи кўригини ташкил этувчи область комиссияси кўрикнинг иккинчи ярмига якун ясаб, иккита биринчи ўринни Чиноз районидаги «Октябрь» колхози 5-бригадаси (бригада бошлиғи К. Эгамназаров) ва Оҳангарон районидаги «Серго» совхози биринчи бўлими ғаллачилик бригадаси дала шийпонларига (бригада бошлиғи Б. Тангбоев) беришга қарор қилди.

Учта иккинчи ўринни Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз 3-бригадаси (бригада бошлиғи А. Цой), Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхоз 7-бригадаси (бригада бошлиғи Д. Жуманов) ва Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози 2-бригадасининг (бригада бошлиғи М. Тўйчиев) дала шийпонларига берилди.

Пискент районидаги 1-«Пискент совхози 2-бригадасининг дала шийпони (бригада бошлиғи К. Эргашев) учинчи ўринни эгаллади.



ЭКСКАВАТОР ЧУМИЧИДА ТАНГАЛАР

Экскаваторчи Анатолий Брицин Боровск шаҳрида траншея қазиётида чўмичдан тушган галати бир нарсага эътиборни жалб қилди. У кумуш тангаларга тўлғизилган ҳумча эди. Хумчадан 2 мингдан ортиқ танга чиқди. Ҳар бир тангада найза кўтарган отлиқ тасвирланган, танганинг орқасида эса — «бутун рус улуғ князи Михаил Федорович» деб ёзиб қўйилибди.

Маҳаллий ўлкашунослар ушбу тангалар Москвада XVII асрнинг бошларида қўлда зарб қилинган деган хулосага келишди.

Боровск пойтахтга қарийб тенгдош бўлиб кўп асрлар мобайнида уни жануби-ғарб томонидан қўриқлашга хизмат қилган. Боровскликлар район марказининг шонли тарихи билан фахрланадилар ва халқ музейи учун экспонатларни эҳтиётлаб йиғмоқдалар.

Н. БРИЛЕНКОВ,
(ТАСС мухбири).

ЕРНИНГ ҚЎТАРИЛИШ-ПАСАЙИШЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

ТБИЛИСИДА ернинг кўтарилиш-пасайишларини ўрганиш билан шуғулланувчи Кавказда биринчи ер ости лабораторияси очилди. Океан сувининг кўтарилиш-пасайишини қуролланмаган кўз азалдан бери кузатиб келган бўлса, ер қобиғида ой билан қуёшнинг тортиш таъсирида рўй берувчи кўтарилиш-пасайишлар ғоят сезгир асбоблар билангина қайд этилади. Аппаратларнинг аниқ ишлашига ҳеч бир нарса таъсир кўрсатмаслиги учун олимлар уларни республика пойтахтининг чеккасида чуқур ер остига жойлаштиришди. Бу ердаги бешта кенг камерада ернинг «нафас олиши» кўзатилмоқда. Ернинг кўтарилиш-пасайишлари астрономик кенгликларни дам-бадам ўзгартириб туради. Шунинг учун ернинг кўтарилиш-пасайишларини кўзатиш олимлар планетамизнинг ички тузилиши унинг айрим микрорайонлари тўғрисида янги-янги маълумотлар олишларига ёрдам беради.

(ТАСС мухбири).
ТБИЛИСИ.

ИВАНОВО ТЎҚИМАЧИЛАРИГА ПАХТА ТОЛАСИ

Ўзбекистон пахта тозалаш заводларининг коллективлари Иваново тўқимачиларига янги пахта ҳосилидан дастлабки туркум тола жўнатишди. Хом ашё сифатига юксак баҳо берилди.

Бу йилги мавсумда пахтани қайта ишлашда янги технология схемаси қўлланилди. Бутун пахта заводда қайта ишланишидан олдин қуритиш-тозалаш цехидан ўтади. Ҳозир республикада икки юздан кўпроқ ана шундай цех бор. Бундай цехлардаги махсус машиналар пахтани қуритиб, ундаги хас-чўпларни ажратиб, ҳар бир тангага найза кўтарган отлиқ тасвирланган, танганинг орқасида эса — «бутун рус улуғ князи Михаил Федорович» деб ёзиб қўйилибди.

Маҳаллий ўлкашунослар ушбу тангалар Москвада XVII асрнинг бошларида қўлда зарб қилинган деган хулосага келишди.

Боровск пойтахтга қарийб тенгдош бўлиб кўп асрлар мобайнида уни жануби-ғарб томонидан қўриқлашга хизмат қилган. Боровскликлар район марказининг шонли тарихи билан фахрланадилар ва халқ музейи учун экспонатларни эҳтиётлаб йиғмоқдалар.

Н. БРИЛЕНКОВ,
(ТАСС мухбири).

ЕРНИНГ ҚЎТАРИЛИШ-ПАСАЙИШЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

ТБИЛИСИДА ернинг кўтарилиш-пасайишларини ўрганиш билан шуғулланувчи Кавказда биринчи ер ости лабораторияси очилди. Океан сувининг кўтарилиш-пасайишини қуролланмаган кўз азалдан бери кузатиб келган бўлса, ер қобиғида ой билан қуёшнинг тортиш таъсирида рўй берувчи кўтарилиш-пасайишлар ғоят сезгир асбоблар билангина қайд этилади. Аппаратларнинг аниқ ишлашига ҳеч бир нарса таъсир кўрсатмаслиги учун олимлар уларни республика пойтахтининг чеккасида чуқур ер остига жойлаштиришди. Бу ердаги бешта кенг камерада ернинг «нафас олиши» кўзатилмоқда. Ернинг кўтарилиш-пасайишлари астрономик кенгликларни дам-бадам ўзгартириб туради. Шунинг учун ернинг кўтарилиш-пасайишларини кўзатиш олимлар планетамизнинг ички тузилиши унинг айрим микрорайонлари тўғрисида янги-янги маълумотлар олишларига ёрдам беради.

(ТАСС мухбири).
ТБИЛИСИ.

ИВАНОВО ТЎҚИМАЧИЛАРИГА ПАХТА ТОЛАСИ

Ўзбекистон пахта тозалаш заводларининг коллективлари Иваново тўқимачиларига янги пахта ҳосилидан дастлабки туркум тола жўнатишди. Хом ашё сифатига юксак баҳо берилди.

Бу йилги мавсумда пахтани қайта ишлашда янги технология схемаси қўлланилди. Бутун пахта заводда қайта ишланишидан олдин қуритиш-тозалаш цехидан ўтади. Ҳозир республикада икки юздан кўпроқ ана шундай цех бор. Бундай цехлардаги махсус машиналар пахтани қуритиб, ундаги хас-чўпларни ажратиб, ҳар бир тангага найза кўтарган отлиқ тасвирланган, танганинг орқасида эса — «бутун рус улуғ князи Михаил Федорович» деб ёзиб қўйилибди.

Маҳаллий ўлкашунослар ушбу тангалар Москвада XVII асрнинг бошларида қўлда зарб қилинган деган хулосага келишди.

Боровск пойтахтга қарийб тенгдош бўлиб кўп асрлар мобайнида уни жануби-ғарб томонидан қўриқлашга хизмат қилган. Боровскликлар район марказининг шонли тарихи билан фахрланадилар ва халқ музейи учун экспонатларни эҳтиётлаб йиғмоқдалар.

Н. БРИЛЕНКОВ,
(ТАСС мухбири).

ЕРНИНГ ҚЎТАРИЛИШ-ПАСАЙИШЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

ТБИЛИСИДА ернинг кўтарилиш-пасайишларини ўрганиш билан шуғулланувчи Кавказда биринчи ер ости лабораторияси очилди. Океан сувининг кўтарилиш-пасайишини қуролланмаган кўз азалдан бери кузатиб келган бўлса, ер қобиғида ой билан қуёшнинг тортиш таъсирида рўй берувчи кўтарилиш-пасайишлар ғоят сезгир асбоблар билангина қайд этилади. Аппаратларнинг аниқ ишлашига ҳеч бир нарса таъсир кўрсатмаслиги учун олимлар уларни республика пойтахтининг чеккасида чуқур ер остига жойлаштиришди. Бу ердаги бешта кенг камерада ернинг «нафас олиши» кўзатилмоқда. Ернинг кўтарилиш-пасайишлари астрономик кенгликларни дам-бадам ўзгартириб туради. Шунинг учун ернинг кўтарилиш-пасайишларини кўзатиш олимлар планетамизнинг ички тузилиши унинг айрим микрорайонлари тўғрисида янги-янги маълумотлар олишларига ёрдам беради.

(ТАСС мухбири).
ТБИЛИСИ.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ


◆ **ЛЕНИНГРАД. Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Светоч» номли фабрика ишчилари беш йилликнинг учинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар. Суратда: илғор ишчи Т. Соколова тайёр маҳсулотлар билан.**

Ю. БЕЛИНСКИЙ фотоси.
ТАСС фотохроникаси.



◆ **ВОЛГОГРАД ОБЛАСТИ. «Волго-Дон» совхози ғаллакорлари бу йил давлатга 100 минг центнер буғдой топшириш мажбуриятини олишган. Бу планда белгиланганидан икки баравар кўпдир. Суратда: совхоз буғдойзорларида ўрим-йиғим пайти.**

Н. СУРОВЦЕВ фотоси.



МУСОБАҚА ВА МАТБУОТ

КПСС Марказий Комитети «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисида» деган қарорида пропаганда ва информация воситаларининг ҳаммаси ишлаб чиқаришни такомиллаштириш масалалари билан чуқур шуғулланиши, новаторлар бошлаган ташаббусларнинг моҳиятини чуқур ўрганиб, бу ташаббусларни жанговарлик билан қўллаб-қувватлаб, кенг ёйиши, фан ва техника муваффақиятларини жорий қилиш учун актив кураши зарурлигини кўрсатиб ўтди, бу вазифани бажариш йўлида тинмай иш олиб боришни газеталар, журналлар редакцияларининг, кино, радио ва телевидениенинг, нашриёт раҳбарларининг зиммасига юклади. Партия матбуот ходимларини меҳнат ва ҳўжаликни бошқаришнинг илғор методлари мазмунини тўлиқроқ очиб беришга, мусобақанинг социал, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятини кўрсатиб беришга, мусобақанинг боришини ва натижаларидан оммани кенг ҳабардор қилиб туришга, барча участкаларда ишларни яхшилаш учун изчиллик билан ҳаракат қилишга даъват этмоқда.

Ўзбекистондаги газеталар ва журналларнинг саҳифалари, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришлари совет кишиларининг беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун олиб бораётган курашини акс эттирмоқда. В. И. Ленининг доҳиёна башорат қилиб айтганидек, коммунизм қурилишнинг қудратли воситаси бўлиб қолган матбуот «ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини ривожлантиришдаги... хўжалик ва ҳаётнинг социалистик шартларини яратишдаги онгли ва интёрий ташаббусини» яққол кўрсатиб бермоқда.

Газеталарнинг, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларнинг кўпгина материаллари беш йилликнинг энг муҳим вазифаларига диққат-эътиборни қаратиб, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган ташаббусини яққол ва ёркин кўрсатиб бермоқда. Бир қанча газеталарнинг саҳифаларида корхоналардан олиб ёзилган мароқли материаллар босилиб чиқди. Бу материалларда мусобақани ташкил этишни яхшилаш, чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш борасида ишчилар коллективининг жонкуярлиги зўр таассурот қолдиради-ган қилиб акс эттирилмоқда.

Партия халқ хўжалигини ривожлантиришдаги камчиликларни тугатишга жиддий аҳамият бермоқда, иш натижаларини танқидий анализ қилишни талаб этмоқда. Беш йилликнинг дастлабки икки йилида қилинган ишларнинг якунларига танқидий баҳо бериш натижасида партия яқин келажакка мўлжалланган вазифаларни ва қилинадиган ишларни тағин ҳам конкретроқ қилиб белгилаб берди. Бу вазифалар КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил декабрь Пленуми қарорларида ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССРнинг 50 йиллиги тўғрисида»ги докладида мутлақо равшан қилиб пухта белгилаб берилди. Бу вазифалар шуки, меҳнат унумдорлигини ошириш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тағин ҳам тўлиқроқ фойдаланиш, хўжаликка сарфланган ҳар бир сўмнинг, ишлатилаётган ҳар бир тонна металл, ёқилғи, цемент, ўғитнинг берадиган самарасини ошириш йўли билан экономикани ҳар томонлама юксалтиришимиз лозим.

Халқ хўжалик планларини ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда 1973 йил алоҳида аҳамиятга эга. Бу планлар ва мажбуриятларни тўлдириш учун курашиб, давлат топшириқларини бажарибгина қолмасдан, шу билан бирга навбатдаги давр учун ҳам план ва топшириқларни таъминлайдиган имкониятлар туғдириш зарур. Партия бу вазифани бажаришнинг энг яхши йўли социалистик мусобақа эканлигини ҳам кўрсатиб ўтди, чунки юксак даражада ташкил этилган ва Ватанга муҳаббат билан қўшилиб кўпайтирилган ғайрат мўъжизалар яратади. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1973 йилда саноат, қурилиш ва транспорт, қишлоқ хўжалиги ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарори шу туйғу билан изҳор этилган.

Бу ҳужжатлар матбуот органлари учун асос бўладиган принципиал катта аҳамиятга эга. Газеталар, журналлар, телевидение, радио, нашриётлар мусобақани ташкил этиш, унинг натижаларини кенг кўпчиликка маълум қилиб туриш, тақкослаб кўрсатиш, илғорлар тажрибасини кўпайтириш учун кураш масалаларини янгича тарзда қўйишлари кераклиги шу ҳужжатларда уқтириб ўтилди.

Ҳозирги вақтда республика меҳнаткашларининг ҳаётида энг масъулиятли давр — пахта йиғим-терими бошланди. Республика пахтакорлари ўзларининг олий ватанпарварлик ва интернационал бурчларини чуқур англаб, мўл ҳосил етиштиришга даъват этдилар. Улар етиштирган ҳосил Ватанга 4 миллион 750 минг тонна пахта берамиз деб олинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришга имкон беради. Республиканинг пахта далаларида очилаётган кўсаклар кўпайиб, терим суръатлари кундан-кунга тезлашмоқда. Колхозлар ва совхозлардан биринчи талаба рапортлари келмоқда. Қишлоқ хўжалик йилининг пировардига якуни пахта теримининг биринчи кунларидаёқ яхши ташкил этилишига боғлиқ эканлигини яққол кўрсатиб бериш — матбуот, телевидение ва радио эшиттиришнинг бурчидир.

Терим кампаниясининг биринчи кунлариданоқ ишни пухта ташкил этиш ва уюшқоқлик биринчи сорт пахтани кўпроқ ва сифатли қилиб териб олишни, терим ишларини қисқа муддатларда бажариб, катта иқтисодий самарага эришишимизни таъминлайди, деган фикр ҳамма мақолалар ва хабарларда ҳар доим ифодаланиши лозим. Пахта териш даврида ҳар бир соат ва дақиқа ганимат, ҳамма жон куйдириб меҳнат қилади. Мусобақа натижалари ҳар куни, ҳар соат якунланиб туриши лозим. Бу эса колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг пахта терими-да алоҳида активлик ва жонкуярлик билан ишлашларга кенг йўл очиб беради. Воқеалар кетидан қолмаслик, янги воқеалардан дарҳол ва моҳирлик билан хабардор бўлиб, уларни оммалаштириш, пахта терими даврида мусобақани яхшилаш ва такомиллаштиришда партия ташкилотларига кўмаклашиш — матбуотнинг энг муҳим вазифаси.

Ишнинг муваффақиятини одамлар ҳал қилади. Шу сабабли матбуот, телевидение ва радио беш йиллик меҳнатчиларига, терим кампаниясининг қаҳрамонларига асосий эътибор бериши лозим.

Бу йилги пахта теримининг алоҳида хусусияти шундаки, терим ишларини механизациялаш кенгайтириб юборилди. Беш йилликнинг учинчи йилида механизаторлар камида 2 миллион 500 минг тонна пахтани машиналарда териб топширадилар. Ўзбекистонда механизаторларнинг, мўл ҳосил устаҳларининг ва комплекс механизациянинг ажойиб кадрлари ўсиб етишган. Уларнинг энг яхши дала гвардиячилари эканлигини кўрсатиб бериш, уларнинг тажрибаларини кенг ёйиш — матбуот ходимларининг фахрли вазифаси.

Яқинда Ўзбекистон ССР колхозлари ва совхозларининг механизаторлари мамлакатнинг барча пахтакорларига мурожаат қилиб, уларни пахта терими техникасидан кенг фойдаланишга, ҳар бир машинанинг иш унумини оширишга, пахта ҳосилини териб олишни муваффақиятли ўтказишга, беш йилликнинг учинчи йилида давлатга пахта сотиш бўйича социалистик мажбуриятларни тўла бажаришга чақирдилар. КПСС Марказий Комитети механизаторларнинг ташаббусини маъқуллаб, пахтакор республикалар Коммунистик партияларининг Марказий Комитетларига, область партия комитетларига пахта териш техникасидан кенг фойдаланиб, унинг иш унумини оширишга доир конкрет тадбирларни колхозларда ва совхозларда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифасини топширдилар.

Машиналардан тўғри фойдаланиш, уларнинг иш унумини ошириш чораларини кўриш — терим муддатини қисқартиришни таъминловчи муҳим омилдир. Мана шу масалалар ва пахта теримини механизациялаштириш билан алоқадор бўлган бошқа масалалар газета редакцияларининг, телевидение ва радио студияларининг ҳар доим диққат марказида туриши лозим.

Социалистик мусобақа тўғрисида эълон қилинаётган материаллар чуқур мазмунли, муайян мақсадни кўзлайдиган, жиддий умумлашмаларни ўз ичига олган бўлиши лозим. Ишлаб чиқариш масалаларини батафсил анализ қилиб бериш, планларни ва мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга имкон берадиган прогрессив методларни пахтакорларга яққол кўрсатиб бериш керак. Матбуот мусобақани ташкил этишнинг ўзи қандай бораётганлиги — мажбуриятлар қандай туғилаётганлигини, бу мажбуриятлар қанчалик асосланганлигини, коллектив ва якка мусобақа шартномалари қандай қилиб тузилаётганлигини синчиклаб кузатиб туриши зарур. Юзлаб, минглаб дала меҳнатчиларига ўрнак бўлишга арзийдиган илғорларнинг тажрибалари тўғрисида кўпроқ ва мароқли қилиб ёзиш керак.

Матбуот илғорлар тажрибасини пропаганда қилар экан газетхонларда шу тажрибаларга қизиқиш туғдирмаслик пахта йиғим-теримининг энг зарур проблемалари тўғрисидаги мунозараларга кўпроқ кишини тортишга интилиши лозим. Меҳнаткашларнинг хатлари, давраларда ўтказиладиган учрашувлар, ишчи, қишлоқ мухбирларининг рейдлари, меҳнаткашлар коллективларининг бригадаларини чақиришлари — редакциялар қўлланаётган мана шу ва бошқа синалган формалар битта мақсадни кўзлаши яъни улкан пахта хирмони учун курашга ёрдам бериши лозим.

Меҳнатга коммунистик муносабат масалалари матбуот, телевидение ва радио фаолиятида муҳим ўрин олиши керак. Юксак меҳнат унумдорлиги ва янги киши учун кураш чинакам умумхалқ ҳаракатига айланди, моддий ишлаб чиқаришнинг, ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида бу ҳаракатга қўшилаётган ходимлар тобора кўпаймоқда. Шу билан бирга тажриба шуни кўрсатиб турибдики, мусобақанинг олий формасини ташкил этишга расмиятчилик билан, хўжакўрсинга ёндашмай, балки, ижодкорлик ва принципиаллик билан ёндашилган тақдирдагина, бу ҳаракат қатнашчилари мажбуриятларни ўзлари пухта ўйлаб ва синовдан ўтказиб олган, ижодкорлик ва новаторликнинг чинакам ифодаси бўлган тақдирдагина, бу мусобақа самарали ва таъсирчан мусобақа бўлади. Республика матбуоти шу масалаларга эътиборни кучайтириши, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексида баён қилинган олижаноб принциплар ҳар бир совет кишисининг кундалик ҳаётида одат бўлиб қолиши учун актив курашмоғи лозим.

Матбуот маънавий ва моддий омиллар ролини оширши мутлақо зарур. Ҳукуматнинг юксак мукофотлари, фахрий ёрлиқлари, вимпеллар билан тақдирланган шаҳар ва қишлоқ меҳнатчилари тўғрисидаги, социалистик мусобақа ғолибларидан бўлган коллективлар тўғрисидаги материалларни эълон қилиб туриш — жуда катта аҳамиятга эга. Газеталар, телевидение ва радионинг ўзи маънавий рағбатлантирувчи жуда зўр восита эканлигини тушуниб олиш зарур. Пешқадамлар тўғрисида босилган хабар, уларнинг суратини эълон қилиш, ҳатто уларнинг номларини тилга олиб ўтишнинг ўзи мана шу меҳнатчилар учун нақадар қувончли эканлигини, уларга янги куч-гайрат бағишлашини унутмаслик керак! Кимки ўзи ҳақида ёзилган мақола ёки хабарни ўқиса, бундан руҳланиб, кучига-куч қўшилади. Лекин бундай хабарлар зерикарли қилиб ёзилган бўлса, ҳақиқий аҳволни акс эттирмаса, одамларнинг жигига тегиши ва уларни ранжитиб қўйиши турган гап. Бундай ҳоллар, афсуски, баъзан содир бўлиб туради.

Партия, совет, касаба союз ташкилотлари пахтакорларга қандай ғамхўрлик қилаётганликлари, уларнинг баракали ишлашлари ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун қандай шароит яратиб берилганлиги, дала шийпонлари қандай жиҳозланганлигини, пахтакорларни овқатлантириш, уларга газета-журналлар етказиб бериш ва шу кабилар қандай ташкил этилганлиги ҳам газеталар ва журналларнинг, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларининг диққат марказида туриши зарур.

«Минглар шартномаси» пахта теримининг сифатини, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, совет кишиларининг дўстлигини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбияланиш кучайтириш учун пахта тайёрлаш даврида катта аҳамиятга эга.

Пахта териш кампанияси билан боғлиқ бўлган катта ва мураккаб ишларнинг ҳаммаси фақат республика ва область матбуотининг эмас, шу билан бирга ўзининг «географияси» туфайли ишлаб чиқаришга, ўз газетхонларининг ҳаётига жуда яқин бўлган район газеталарининг, кўп тиражли ва деворий газеталарнинг диққат марказида туриши лозим.

Ҳозирги вақтда газета ва журналлар, телевидение ва радио пахта етиштиришдан тортиб уни газламага айлантиргунча қилинадиган ишларнинг ҳаммаси битта мақсадга, яъни аъло сифатли маҳсулот чиқаришга қаратилиши ва бўйсундирилиши лозимлиги тўғрисида ранг-баранг материалларни мунтазам равишда эълон қилмоқдалар ва эшиттирмоқдалар.

Матбуот ишининг қандай принципиал йўлдан бориши, унда босилаётган материалларнинг таъсирчанлигини кучайтириш йўллари КПСС Марказий Комитетининг «Литва ССР матбуотида социалистик мусобақа масалаларининг ёритилиши тўғрисида» деган қарорида чуқур кўрсатиб берилди. Шу қарордаги хулосалар ва тавсиялар фақат Литва ССРнинг ўзигагина тааллуқли бўлиб қолмасдан бутун мамлакатдаги матбуот, телевидение ва радио ходимларига ҳам қандай йўл тутиш кераклигини кўрсатиб берди, уларни конкрет иш программаси билан қуроллантирди. Партия Марказий Комитетининг қарори талаб қилганидек, барча редакцияларнинг коллективлари социалистик мусобақа масалаларини, ишлаб чиқаришга ва экономикага доир масалаларнинг мазмунини чуқур билишлари лозим. Аммо айрим газеталар ва журналларнинг саҳифаларида информация характеридаги материаллар кўпчиликни ташкил этмоқда, мусобақанинг боришини ёритиш кўпинча умумий даъватлардан, рақамлар, процентларни конкрет анализ қилмай саноб кўрсатиб беришдан иборат бўлиб қолмоқда. Баъзи газеталар ва журналлар формализм ва кампаниябозликка барҳам берган эмаслар, мажбуриятлар эълон қилинган даврдагина кўпроқ активлашадилар. Аммо мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш, мусобақа натижаларини якунлаш, айрим корхоналар, қурилишлар, колхозлар ва совхозлар нима сабабдан орқада қолаётганини анализ қилиб бериш сингари муҳим масалалар редакцияларнинг диққат эътиборидан кўпинча четда қолмоқда.

Ҳаёт олинган мажбуриятларнинг, план топшириқларининг бажарилишини матбуот орқали контрол қилиб туришни қатъий равишда кучайтиришни талаб этмоқда. Фақат илғорларгина эмас, шу билан бирга топшириқларни бажармаётганлар, мўлжалланган марраларга эришмаётганлар ҳам матбуотнинг диққат-эътиборидан четда қолмаслиги керак.

Жамиятнинг маънавий ҳаётида, КПСС XXIV съездининг қарорларини амалга оширишда матбуот, телевидение ва радионинг роли янада ошириш — партиянинг оммага ғоявий таъсир ўтказувчи мана шу қудратли, кучли воситаларига раҳбарлик қилиш услубини ва методларини тинмай такомиллаштиришни талаб этади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида» деган доклади асосида Ўзбекистон партия ташкилотининг ғоявий-сиёсий ишларини, меҳнаткашларга интернационал тарбия беришни янада кучайтиришга доир вазифалари ҳақида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов докладини муҳокама қилган республика партия активи йиғилишида бу тўғрида батафсил гапирилди.

Матбуотнинг кучи — партиянинг раҳбарлигида. Партия комитетлари матбуотнинг биринчи навбатдаги вазифаларини ўз вақтида ва аниқ белгилаб бериб туришларини, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишни, фан техника тараққиётини жадаллаштиришни, меҳнаткашлар оммасининг сиёсий ва меҳнат активлигини ривожлантиришга матбуотнинг диққат-эътиборини қаратишларини ҳаёт талаб қилмоқда. Область, шаҳар ва район партия комитетлари газеталарнинг сиёсий йўналишини ва мазмуни учун ўзларининг масъулиятларини оширишлари, редакция коллективларининг фаолиятини ҳамиша йўллаб туришлари, партия ва совет органлари қабул қилинаётган энг муҳим қарорлардан матбуот ходимлари мунтазам равишда хабардор қилиб туришлари, уларга шу кунининг асосий воқеалари ва вазифаларини, хўжалик-сиёсий кампаниялар қандай бораётганлигини айтиб туришлари лозим.

Редакция коллективлари газеталарда эълон қилинган материалларнинг таъсирчанлигини таъминлашда партия комитетларининг актив мадад бериб туришига, корхоналар ва идораларнинг айрим раҳбарлари танқидни назар-писанд қилмасликни сингари фактларга йўл қўймасликларига муҳтождирлар.

Қаҳрамонлик ишларини, социалистик мусобақа ғолибларини ва иштирокчиларини, меҳнат ғалабаларимизнинг ижодкорларини кўрсатиб бериш борасида совет журналистикасининг жуда бой традицияларидан ва битмас-туганмас имкониятлари бор. Ўзбекистон партия-совет матбуотининг сафарбар қилувчи барча воситалари, матбуот, телевидение ва радио журналистлари ва активларининг бутун кучи КПСС XXIV съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақасини ташкил этишни янада яхшилаш ишига бўйсундирилиши лозим.

(«Совет Ўзбекистони», 16 сентябрь).



ИСРОИЛ ИБРОҲИМОВ бир неча йилдан бери Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхозда механизатор бўлиб ишлайди. У ҳар йили пахта теришда ҳам фаол қатнашиб, зиммага олган социалистик мажбуриятини ошириб бажаряпти. У бу йил 100 тоннадан ошириб «оқ олтин» теришга сўз берган.

Суратда: И. Иброҳимов. А. АБАЛЯН фотоси.

ЖАМОАТЧИ КОММУНИСТ

Комилжон заводга ишга келиб кам бўлмади. Дўст орттирди, касб ўрганди, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олди. Мана ҳозир сифатли ишлашда унинг олдига тушадиган киши йўқ ҳисоб. 1-механика цехининг энг илғор соловчиси сифатида кўпчиликнинг ҳурмат ва эътиборини қозонмоқда.

Комилжон заводга ўрта мактабни тамомлаб келган эди. Шогирдлик пайтидаёқ у ўткир зеҳни ва изланувчанлиги билан устозларини қойил қолдирди. Қисқа вақт ичида созловчилик касбини эгаллаб, мустақил ишлашга ўтди. Армия сафига чақирилганда ҳам у ҳамкасблари билан алоқасини узмади. Дўстлари билан ёзишиб турди, корхона янгиликларидан доимо хабардор бўлиб борди. Ҳарбий хизмати тугагач яна тўғри ўз дўстлари бағрига қайтди. Шу ерда коммунистик меҳнат зарбдори унвонига сазовор бўлди, Ленин партияси сафига кирди, шаҳар Совети депутатлигига сайланди.

Ишчан коммунист меҳнатда активлик кўрсатиш билан бирга жамоат топшириқларини ҳам жон-дили билан бажараверди. У шаҳар Советининг депутати сифатида сайловчиларнинг кўпгина наказаларини адо этди. Жумладан Цюлковский кўчасини ремонт қилишда бош-қош бўлди. Маршрутли автобуслар ташкил этишда, ҳаммом ва дорихона очишда қатнашди.

Комилжон ва унинг дўстлари тўқизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида яна ҳам зўр ғайрат қилмоқдалар. Уларнинг қўли остида 6 та автоматлашган станок тўхтовсиз ишлаб турибди. Сифатли созланаётган узеллар бирин-кетин экскаватор рамаларига осилиб, заказчиларга жўнатилмоқда. Завод ишчилари бу йил 1200 дона экскаватор ишлаб чиқаришга аҳд қилганлар. Экскаватор заводи коллективи ой сайин ўз сўзининг устидан чиқиб келяпти. Бу ютуқларда коммунист созловчи Комилжон Содиқовнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Моҳир ишчи ҳозир ўз шогирди Владимир Ваноков билан биргаликда 1974 йилнинг май ойи ҳисобига маҳсулот бермоқда.

Е. ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Ф. ИСАЕВ.

ОТАЛИК ЁРДАМИ УЧУН МУКОФОТ

Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз механизаторлари Чирчиқ электрохимия комбинати коллективи кўрсатаётган отаниқ ёрдамидан миннатдордирлар. Кимёгарлар ҳар йили қишлоқ хўжалик артелига қурилиш ишларида, техникани ремонтдан чиқаришда, оммавий-маданий ишларни ташкил этишда, ҳосилни йиғиб-теришда катта мадад бермоқдалар. Ўтган йилнинг ўзида улар колхоз учун янги дала шийпонини ремонт қилиб беришди, болалар боғчаси атрофига металл тўсиқлар ўрнатишди. Чорвачилик фермаларида бир қатор ишларни амалга ошириш-ди, колхознинг ремонт устахоналарини жиҳозлаб беришди.

Чирчиқнинг бошқа саноат корхоналари ва ташкилотлари ҳам бу райондаги кўпгина колхоз ва совхозларга ёрдам кўрсатиб келади. Мана шу актив ёрдам учун шаҳарга Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети ва облсовпрофнинг кўчма Қизил байроғи топширилди.

Шаҳардаги электрохимия комбинати эса область партия комитети, область ижроия комитети ва облсовпрофнинг фахрий ёрлиғига билан тақдирланди.

И. СЕРГЕЕВ.

ЯНГИЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

ФОЙДАЛИ ИШДА МУҲИМ ҚАДАМ

Сўнгги йилларда қишлоқларимиз жамоли таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Соҳибкор ва боғбонларимизнинг ташаббус кўрсатиб, меҳнат қилишлари туфайли мевали дарахтлар кўпайди. Узумзорларимиз кенгайди. Шаҳар аҳолисининг мевага бўлган талаби борган сари кўпроқ таъминланяпти. Буни республикамиз мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳар бир район, колхозда, совхоз ва хўжаликларда катта-катта майдонларни эгаллаган боғларни кўриш мумкин. Тошкент областининг бир қанча районларида махсус узумчилик, боғдорчилик совхозлари мавжуддир. Боғларда ва узумзорларда етиштирилаётган маҳсулот шаҳар аҳолисига тўхтовсиз жўнатилиб турибди.

Лекин бир вақтда етилиб пишаётган олма ва бошқа меваларнинг ҳаммасини савдо дўконларига етказиш ҳамда сотиш анча қийин. Шохларини эгиб, ерга тушиб ётган олмаларни қайта ишлаш ва ундан янги маҳсулот олиш биз саноат корхоналари коллективларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Коллективимиз партиямиз XXIV съездининг қарорларини, маҳаллий партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг кўргазмаларини изчиллик билан амалга ошириш соҳасида бирмунча ишларни амалга оширди. Вино цехларининг баъзилари қайта реконструкция қилинди. Олмаларни қайта ишлайдиган цехларга айлантирилди. Бу эса минг-минглаб тонна чириб кетадиган олмалардан самарали фойдаланиш имконини берди. Ўтган йили Чиноз районидаги «Олмазор» виночилик пункти қайтадан реконструкция қилиниб, олмани қайта ишлайдиган цехга айлантирилди. Натижада ўтган йилнинг ўзидаёқ 3700 тонна олма қайта ишланиб, унинг шарбати олинди. Шу билан бирга чорвачилик фермаларига кўплаб тонна ем тайёрлаб жўнатилди. Ҳозир бу цехнинг ишлаб чиқариш қуввати яна оширилди. Бир кеча-кундузда 100 тоннага яқин олма қайта ишланиб, шарбати олинаяпти.

Олма цехининг ишга туширилиши комбинатга анча фойда келтирди. Шуни ҳисобга олиб, бу йил яна бирқанча янги цехлар қурдик. Халқобод комбинатининг марказида қурилиб ишга туширилган цех ҳам тўла қувват билан ишлаяпти.

Заводимизнинг мутахассислари бу иш билан кифояланиб қолишмади. Республиканинг бошқа областларида ҳам олмаларни қайта ишлайдиган цехлар қуриб ишга туширишмоқда. Июнь ойида Сирдарё областининг Сирдарё районида қурилган янги цех кунига 50—60 тоннага яқин олманни колхоз ва совхозлардан қабул қилиб олиб, қайта ишлаяпти. Цех ишга туширилгандан бери 500 тонна олма қайтадан ишланди.

Жиззах шаҳрининг бўм-бўш жойида яна битта цех қурилиб ишга туширилди. Бу эса шаҳар атрофидаги кўпгина хўжаликларининг мушкулини осон қилди. Савдо ташкилотларидан қолган чиқинди олмалар энди-ликда қайтадан ишланяпти.

Олма цехларининг қурилиб битказилиши ва фойдаланишга топширилиши минг-минг сўмлаб фойда келтиряпти. Шарбат олиниб бўлингач қолган турушининг бир қисми чорвачилик фермаларига жўнатиляпти, бир қисми эса қуритилиб, чорва қишловига ғамлаб қўйилмоқда.

Комбинатимизда ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, олма турушини ёган сигирларнинг сути анча кўпайди. Чорва молларининг иштаҳаси очилиб, тез семиряпти. Эндиликда чорвадорлар олма турушини майдалаб, чорва озуқасига қўшиб беришни амалга оширяптилар. Бу эса яна ҳам яхши натижалар бера бошлади. Ўтган йили комбинатда 300 тоннага яқин олма чиқиндисидан ун тайёрланган эди. Бу йил эса бу рақам 500 тоннага етказилади.

Заводимиз коллективи олмани қайта ишлашда бир мунча ютуқларни қўлга киритди. Биз бундан кейин ҳам янги цехларни кўпайтириш билан кифояланиб қолмаймиз. Шу билан бирга уларда ишлаётган машиналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш юзасидан ташкилий тадбирларни амалга оширамиз.

О. АБДУНАЗАРОВ,
У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасига қарашли Янгийўл виночилик заводининг директори.



БЎСТОНЛИҚ районидаги 14-«Ҳужакент» совхозида Мамажон Мелибоевни ажойиб боғбон деб аташади. Чунки, у 1949 йилдан бери боғдорлик қилмоқда. Айниқса мева дарахтларини кесиб парвариш қилишда ва ҳосилдорлигини оширишда ҳаммага намуна бўлмоқда. Суратда: моҳир боғбон М. Мелибоев.

Н. Портнов фотоси.



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ студентлар шаҳарчаси яқинида янги ҳайкалга асос солинди. Суратда: Абу Райҳон Беруний номли майдонга ўрнатилган буюк мутафаккир ҳайкали.

М. Миржалолов фотоси.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ МУЗИКА ДЕКАДАСИ

Чехословакия грампластинкалари виставкаси, шанба куни республика «Билим»лар уйида очилди. Биз «Словарт» фирмасининг вакили Франтишек Луцкидан виставка ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик:

— Чехословакия музика байрами Тошкент грампластинкалар уйи дирекцияси, «Мелодия» бутуниттифоқ фирмаси, СССР ташқи савдо министрлиги қошидаги «Халқаро китоб» бирлашмаси ёрдамида ўтказилаяпти.

Мамлакатимиздаги «Супрафон», «Пантон» ва «Опус» фирмалари виставка қатнашчилари. Грампластинкалар репертуари жуда ранг-баранг. Альбом, проспект ва конвертларда ёзилган асарлар ҳақида, композиторлар ва ижрочилар ҳақида маълумот берамиз, уларнинг рангли фотосуратларини босиб чиқарамиз. Улар консерватория талабалари ва ўқитувчиларига дарслик бўлиб қолади деб ишонамиз.

Грампластинкаларимизда чех ва словак музика асарлари ёзиб олинган. Улар ичида машҳур композиторлар Сметана, Дворжак, Яначек ҳамда Бах, Бетховен, Моцарт, Гайди, Дебюсси асарлари бор. Уларни Чехия ва Словакия филармониясининг оркестрлари ижро этади. Грампластинкаларда халқ ашулалари, эстрада ва джаз тароналарини учратиш мумкин. Музика шинавандалари яхши кўрган артистлардан Карел Готт, Ева Пилярова, Иозеф Лауфер, Гелена Вондрачкова, Елена Лукашова ва бошқалар ижро этган қўшиқлар ёзиб олинган пластинкалар бор.

Декада 25 сентябргача давом этади.

Ш. ЗАИНУДДИНОВ.

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «Юлдуз» тикувчилик фирмаси, Янгийўл, Чирчиқ пойафзал фабрикаларининг ишчи-хизматчилари мактаб ўқувчилари учун махсус моделдаги кийим-кечаклар, пойафзаллар ишлаб чиқара бошлади. «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг чеварлари тайёрлаган костюм, шим, нимча ўқувчиларга жуда ҳам ярашади. Улар йил давомида 70 мингдан ортиқ мактаб формалари тайёрлаб бериш учун курашмоқдалар.

Қизлар учун тайёрланган мактаб формалари яна ҳам гўзал. Буни тайёрлашда ва тикишда 2-тикувчилик фабрикаси чеварларининг хизмати катта. Бундан ташқари қиш мавсумига атаб алоҳида жун газламадан тикилган кўйлакларни ҳам ишлаб чиқара бошладилар.

Пойафзалчилар эса мактаб ўқувчилари учун кузги ва қишки янги моделдаги пойафзаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди. Сентябрь ойининг ўзида 100 мингдан ортиқ янги моделдаги пойафзал ишлаб чиқариш планлаштирилди.

ОЛИМЛАРНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССАСИ

Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида «Тўқизинчи беш йилликда республика халқ хўжалигида техника тараққиётини янада ривожлантиришда ЎзССР Фанлар академияси илмий тадқиқот институтларининг ҳиссаси» деган мавзуда тематик кўргазма очилди.

Республикамиз халқ хўжалигини ривожлантириш учун Ўзбекистоннинг 26 та илмий муассасаси қўшган ҳисса бу ерда намойиш қилинмоқда. Кейинги икки йил мобайнида мазкур илмий муассасалар халқ хўжалигига жорий этиш учун 140 дан ортиқ таклиф киритдилар. 200 дан ортиқ авторлик гувоҳномаси олинди.

Илмий-тадқиқот ишлари жорий қилинишидан кўрилган умумий иқтисодий фойда 1972 йилнинг ўзида 301 миллион 660 минг сўмни ташкил этди.

Кўргазмада талайгина экспонотлар асил ҳолида намойиш қилинмоқда. Бу ердаги фотосуратлар, олимларнинг илмий ишлари ҳақидаги ҳужжатлар кенг томошабинлар доирасида ҳам, мутахассислар ўртасида ҳам қизиқиш туғдириши табиийдир.

М. АРТЮШКИНА,
Ўзбекистон ССР халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг бош методисти.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.20 — ТОШКЕНТ. 18.25 — Телевизион кўғирчоқ театри. 18.55 — Телефильм. 19.10 — Ахборот. 19.25 — Эстония ССР — Ватанга рапорт бераяпти (Москва). 20.15 — Фестиваль қатнашчилари билан учрашув. 21.15 — Ахборот. 21.35 — Эрк куйчиси. Садир Полвон туғилган кунининг 175 йиллиги олдидан мусиқали кўрсатув. 22.15 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. 22.45 — Оламга саёҳат. 24.00 — «Вақт» ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — ТОШКЕНТ. 12.25 Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий — революцион шоир. 17.40 — Янгиликлар. 17.50 — «Бурятино» кўргазмаси. 18.20 — Спорт программаси. 19.35 — ТОШКЕНТ. 20.15 — Телеспектакль. 20.30 — Улуғ озарбайжон шоири Н. Насимий туғилган кунининг 600 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ва концерт. 24.00 — ТОШКЕНТ. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — V Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивалига тақдим этилган телефильмлар намойиши. 19.00 — Ўқув кўрсатуви. 19.30 — Тошкент янгиликлари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18|IX да Парвона, 19|IX да Алжонарим, 20|IX да Ийқолган узук.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19|IX да Қайнона, 20|IX да Навоий Астрободда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Иван Анисимов раҳбарлигидаги ўргатилган айиқлар аттракциони (кеч соат 7 яримда).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Привалов миллионлари (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Номаълум аёл — «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» (16.00, 20.00), НАВОИЙ номли (11.00, 16.00, 17.40, 19.30), «МОСКВА» (13.00, 15.00, 20.30), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18.00, 20.00).

Бошсиз чавандоз — «СПУТНИК», «КУКЧА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 12.00, 16.00, 21.45). Қора бўри — «ДРУЖБА», «ВОСТОК» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (12.00, 14.00, 18.00, 21.45).

Пойгачилар — «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), ҲАМЗА номли (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 15.00, 19.00, 22.30).

Фонтамас (1-2 серияли) — «МОСКВА» (10.00, 17.00).

ЕЗГИ БИНОДА

Қора бўри — «ФЕСТИВАЛЬ».
Бошсиз чавандоз — «ХИВА».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТУРИСТИК ПОЕЗДИ 9 ОКТЯБРДА 18 кунга ТОШКЕНТ — СМОЛЕНСК — МИНСК — БРЕСТ — КАУНАС — КАЛИНИНГРАД — РИГА — ПСКОВ — ЛЕНИНГРАД — ОРЕНБУРГ — ТОШКЕНТ маршрути бўйича

САФАРГА ЖУНАЙДИ

Туристлар вагон-ресторанларда уч маҳал овқат билан таъминланади, уларга экскурсия ва маданий-оммавий хизмат кўрсатилади.

Денгизда саёҳат қилишни истовчилар Қора денгизда

«РОССИЯ» ТЕПЛОХОДИДА

ОДЕССА — ЯЛТА — СОЧИ — СУХУМИ — БАТУМИ — НОВОРОССИЙСК — СЕВАСТОПОЛЬ — ОДЕССА маршрути бўйича сафарга таклиф қилинади.

Теплоход Одессадан 16 октябрда жўнайди.

Саёҳат 18 кун давом этади. ПУТЕВКАЛАРНИ Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюросида нақд пулга ва Касаба Союз комитетлари орқали сотиб олиш мумкин.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-61, Т. Шевченко кўчаси, 44-уй, телефон 32-09-72.

23-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ 3-МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КЎЧМА КОЛОННАСИГА

ишга терувчилар, пайвандчилар, монтажчилар, автомашиналарни ремонт қилиш бўйича слесарлар, 2-класс шоферлар керак.

КЕРАК

Ишга қабул қилинганлар 2-3 ой мобайнида турар жой билан таъминланадилар. Ишнинг кўчма характерга эга бўлганлиги учун 30 процент қўшимча ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Юқори Чирчиқ райони, «Ўзбекистон» совхози.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЛЕНИН ПАРТИЯСИГА БАҒИШЛАНАДИ

БЕРЛИН, 15 сентябрь. (ТАСС). Берлиндаги Германия тарихи музейида «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — Ленин партияси» деган шиор остида виставка очилди. Экспозицияни РСДРП иккинчи съездининг 70 йиллиги муносабати билан В. И. Ленин номли марказий музей тайёрлаган.

Жуда кўп экспонатлар — В. Н. Ленин хатлари ва қўлёзмаларининг факсимилеси, газеталар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатлар КПСС XXIV съезди программасини муваффақиятли амалга ошираётган бутун совет халқининг жанговар авангарди бўлган Ленин партияси 70 йиллик тарихининг энг муҳим босқичларини акс эттиради.

ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК

Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида ўтказилаётган кўп кишилик митингларнинг қатнашчилари Чили меҳнаткашлари билан қардошларча бирдам эканликларини билдириб, мамлакатда зўравонлик билан ҳокимиятни ўз қўлига олган ҳарбий хунта жиноятларига қарши қаҳр-газабларини изҳор этмоқдалар.

Тошкент чинни заводи коллективининг 15 сентябрда ўтказилган норозилик митингига юзлаб ишчи ва хизматчилар келишди. Корхона ишчиси А. Жўраев ишдаги ўз ўртоқларининг фикрини ифодалаб, бундай деди:

— Чили реакциячилари очиқдан-очиқ ва сурбетларча зўравонлик қилмоқдалар, кўплаб одамларни қирмоқдалар, қонуний ҳукуматни қўллаб-қувватлаётган мамлакат тараққийпарвар арбобларини қаттиқ жазоламоқдалар. Биз, ишчилар, жиноятчиларга лаънатлар ўқиб, ҳарбий хунтанинг конституцияга зид ҳаракатларига қарши қатъий норозилик билдирамиз. Чили меҳнаткашларининг қонуний ҳуқуқлари тикланишини талаб қиламиз. Биз Чилидаги ҳарбий тўнтариш хусусида КПСС Марказий Комитетининг баёнотини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Тошкент область Оржоникидзо районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг аъзолари бўлиб ўтган оммавий митингда Чили халқининг ҳаққоний иши оқибат натижада ғалаба қозонишига қатъий амин эканликларини изҳор қилдилар.

— Чили халқи,— дейди сут согувчи У. Ортиқбоева,— ўз ғалабаларини ҳимоя қилиш учун, янги ҳаёт, демократик ҳуқуқлар учун, ўз давлатининг мустақиллиги учун, қатъий танлаб олган йўлидан чекинмаслик учун ўзида куч-ғайрат топа олишини биламиз. Биз, колхозчилар, чилилик қардошлар билан синфий бирдам эканлигимизни изҳор қилиб, қора кучларга қарши курашда уларга чин қалбимиздан муваффақиятлар тилаймиз.

Меҳнаткашлар бўлиб ўтган митингларда бир овоздан қабул қилинган резолюцияда Чили хунтасининг жиноятчиларига қарши қатъий норозилик билдирдилар.

(ЎзТАГ).

Чилининг оғир кунлари

Чилининг реакцион ҳарбийлари (Латин Америкасида уларни «гориллалар» деб аташади) Халқ бирлиги қонуний ҳукуматини ағдариб ташладилар ва қонли террор ёрдами билан меҳнаткашларнинг қаршилигини бостиришга, ва мамлакатдаги аҳволни тамомила ўз назоратига олишга уринмоқдалар. Чет эл ахборот агентликлари пойтахт Сантьягода, Консенсьон, Осорно, Антофагастда ва бошқа шаҳарларда Альенде тарафдорлари билан исёнчилар ўртасида қуролли тўқнашувлар давом этаётганлиги тўғрисида хабар берадилар. Ҳарбий хунта ўз қўшинларига: «Асир олинмасин!» деб буйруқ берди. Тўла бўлмаган маълумотларга қараганда, бир мингдан ортиқ киши ўлдирилган, минг-минглаб киши қамоққа олинган.

Чилидаги фожиали воқеалар «озодлик» ва «демократия»ни ҳимоя қилиш деган гапларни ниқоб қилиб олишни севган буржуазиянинг риёкорлиги ва шафқатсизлигини яна бир марта исбот қилади. Чили реакцияси «мамлакатни иқтисодий, социал ва маънавий тангликдан ҳалос қилиш»ни истаётганлигини ўзининг конституцияга ҳилоф жиноий ҳаракатлари учун баҳона қилиб кўрсатмоқда. Халқ ҳукумати ҳокимият тепасида турган уч йил мобайнида реакция аҳоли кенг табақаларининг турмушини яхшилаш мақсадида ўтказилган чуқур социал-иқтисодий ислоҳотларни барбод этиш учун саботаж, диверсия, исёнкорлик уюштирилганлиги, мамлакатда фашист террорининг авж олдирилганлиги ва ҳар қандай жиноятларни қилишдан қайтмаганлиги ҳаммага аёндир. Реакция аҳолини озиқ-овқатдан, корхоналарни ёқилғи ва хомашёдан маҳрум этиш, қасддан иқтисодий тартибсизлик туғдириш учун хусусий транспорт компанияларининг забастовкасини уюштирди.

Реакция ўз хатти-ҳаракатининг замон талабларига зид эканлигини яхши билар эди. Ўнг кучларнинг қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, мамлакатда рўй берган ижобий ўзгаришлар, президент Сальвадор Альенде бошлиқ ҳукуматининг муваффақиятлари эксплуататорларни ўз оёғи тагидаги заминдан, ўтмишдаги ҳукмронликдан маҳрум этибгина қолмай, келгусида ўтказиладиган сайловларда тинч йўл билан ҳокимият тепасига келиш умидидан ҳам маҳрум этиб қўйган эди. Шу сабабли буржуазия озодлик ва демократияни ҳимоя қилиш ниқобини йиртиб ташлади ва қонун ҳамда конституцияни очиқдан-очиқ поймол этиб, қонуний ҳукуматни зўрлик билан ағдариб ташлаш йўлига ўтди.

Тўнтаришдан кузатилган мақсад — меҳнаткашларни барча ғалабалардан, маҳрум этиш ва мамлакатдаги революцион ўзгаришлар жараёнини тўхтатиб қўйишдан иборат.

Чили меҳнаткашларининг бошига тушган ҳозирги машаққатли кунларда бутун тараққийпарвар инсоният каби совет кишилари ҳам реакцион тўнтаришни қораламоқдалар ва Чили меҳнаткашлари билан самимий бирдам бўлиб, уларни қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилмоқдалар.

Чилидаги аҳвол

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). 11 сентябрда Чилида тўнтариш қилган ҳарбий хунта халқ бирлигининг раҳбарларига ва тарафдорларига қарши репрессиялари давом эттирмоқда. Пойтахтда фавқулодда ҳолат сақланиб турибди.

Информация агентликларининг Сантьягодан берган хабарларида айтилишича, хунта бошлиқлари қўлида қурол билан ушланган кишиларнинг ҳаммасини шу жойнинг ўзида отиб ташлаш тўғрисида буйруқ бердилар. Чилининг кўп минглаб ватанпарварлари турмаларга ва ошиғич равишда ташкил этилган қамоқ лагерларига ташландилар. Репрессиялар қилинаётганликларига қарамай Чили ватанпарварлари қаршилик кўрсатишни давом эттирмоқдалар.

Буэнос-Айресдан олинган хабарларга қараганда, Альенде ҳукуматида ички ишлар министри бўлиб турган ва Чили қуруқликдаги кучларининг бош қўмондони Карлос Прате Буэнос-Айресга келган. Карлос Прате «ҳозир ҳукуматга қарши бирор гуруҳга бошчилик қилиш ёки қуролли кучларнинг сафи бузилишига кўмаклашиш» ниятида эмасман, деб ошкора айтганидан кейин хунта унга Чилидан чиқиб кетишга руҳсат берган.

КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАР

РИМ, 15 сентябрь. (ТАСС). Турида шимолий рус халқ хорининг гастроллари зўр муваффақият билан ўтмоқда. Италия томошабинлари совет артистларининг программасини қизғин ва давомли қарсаклар билан кутиб олмоқдалар. «Гадзетта дель пополо» газетаси совет артистларининг маҳоратига юксак баҳо бериб, «бу рус тарихининг жонли ва гўзал саҳифаларидир», деб ёзади.



ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Хайхунг вилояти қишлоқ хўжалик плантацияларида жут пишиб етилди. Бу йил кооператив меҳнаткашлари давлатга пландан ташқари юзларча тонна кўп жут толалари етказиб беришга аҳд қилишган.

Суратда: Биньминь кооперативида толага дастлабки ишлов бериш.

ВИА-ТАСС фотоси.

Спорт

11 МЕТРЛИКЛАР ЁРДАМИДА

«Пахтакор» футболчиларининг Ростов-Дон шаҳрида маҳаллий армиячилар билан бўлган ўйини ҳар икки томон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Ҳавфли зонада турган ростовликлар бу учрашувда муваффақият қозонсалар пахтакорчиларга етиб олардилар. Тошкентлик футболчилар эса, эндиорқага чекинмасликни мақсад қилиб ҳужумга ўтишди. Учрашув тенг кураш билан ўтди. Ўйиннинг биринчи бўлимида армиячилар капитани Серостанов ўн бир метрлик белгидан тўп киритди. Майдон эгаларининг ҳужумчиси Чуркинни Штерн жарима майдонида йиқитган эди. Тамаффусдан кейин «Пахтакор» ҳимоячиси Иванков ҳисобни 1:1 қилди. Тошкентликлар олдинга ўтишлари мумкин эди. Бироқ, Варюхин қулай вазиятни бой бериб қўйди. Ғолиб команда ўн бир метрликлар ёрдамида аниқланди. Майдон эгалари тўртта тўпни киритолдилар. Серостановнинг зарбасини Говоров қайтариб қолди. Пахтакорчилардан Голиков, Ан, Белов, Лисаковский, Абдураимов нишонга бехато уришди. Ҳисоб меҳмонлар фойдасига 5:4 бўлди.

«Қайрат» ва «Днепр» командалари ҳам меҳмонда ўйнаб, ўн бир метрликлар ёрдамида ғолиб чиқишди. Олмаота футболчилари Донецк шаҳрида «Шахтёр» билан асосий вақт ичида 0:0 ҳисобида ўйнаб, пенальтига кўра бир очко олдилар. Бу учрашувда дарвозабон Ордабоев маҳорат кўрсатиб, пенальтиларни муваффақиятли қайтарди. «Зенит» — «Днепр» учрашувида 11 метрликлар ҳисоби 11:12 бўлди. ЦСКА — «Карпати» — 1:0, «Арарат» — «Спартак» 3:1 ҳисобида тугади. Бир кун аввал бўлган ўйин натижалари қуйидагича тугаган эди: «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Москва) — 3:0, «Динамо» (Тб) — «Динамо» (Минск) —4:0, «Заря» — «Торпедо» — 0:0 (пенальтилар натижаси 5:2).

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

Командалар	У	Ю	М	Т	О
Арарат	24	16	8	44—22	30
Динамо К	24	16	8	39—19	29
Шахтёр	24	14	10	24—21	25
Днепр	24	16	8	29—29	24
Заря	24	12	12	29—18	23
Динамо Тб	24	14	10	30—23	23
Динамо М	23	14	9	31—25	23
ЦСКА	24	14	10	28—29	23
Қайрат	24	14	10	23—33	22
Спартак	23	12	11	28—27	21
Зенит	24	10	14	27—23	17
Торпедо	24	8	16	24—28	16
Пахтакор	24	8	16	29—37	14
Динамо Мн	24	8	16	17—30	13
СКА	24	8	16	16—31	11
Карпати	24	7	17	22—45	11

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни 30 сентябрда Тошкентда ЦСКА футболчилари билан ўтказади.

ПОЛВОНЛАРИМИЗГА МЕДАЛЛАР

Эрон пойтахтида ўтказилган полвонларнинг жаҳон чемпионати совет спортчиларининг ажойиб ғалабаси билан тугади. Улар эркин, классик кураш ва самбо бўйича жами ўйналган 30 та олтин медалдан 20 тасини қўлга киритдилар. Классик курашдан олимпиада чемпиони тошкентлик Рустем Казаков ўз вазнида иккинчи ўринни олиб, кумуш медаль билан тақдирланди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ҲУРМАТЛИ ОТА—ОНАЛАР



ШОКОЛАД — АЖОИБ МАҲСУЛОТДИР

У айниқса болаларга жуда хуш келади. Чиройли қоғозга ураланган шоколад плиткаси — болалар учун яхши совғадир.

Шоколад юқори навли, какао қанд, сут, бодом, ёнғоқ ва кўкатлардан тайёрланади.

Таркибида юқори навли тўйимли маҳсулотлар бўлганлиги туфайли шоколад ҳақиқатан ҳам энг мазали кондитер маҳсулотларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати Министрлигининг

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДАГИ АЧИТҚИ КОНДИТЕР БИРЛАШМАСИ

гастрономлар, райпишчеторг магазинларига болалар ва катталар учун мўлжалланган шоколадларнинг ранг-баранг ассортиментини етказиб беради.

Янгийўл ачитқи-кондитерлик бирлашмаси ишлаб чиқарган шоколадни сотиб олинг.



Гидрогеология илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Гидро-НИГЕО» институтининг коллективи, институтнинг катта илмий ходими К. М. Тошпўлатовга онаси

Роҳила
МУСАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлими, В. И. Ленин номли 28-мактаб ўқитувчилар коллективи, касаба союз ташкилоти шу мактабнинг ўқитувчиси А. Эгамбердиевга онаси

Маъфират
ЭГАМБЕРДИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В36495. Редактор ўринбосарлари — В35685, В37916. Масъул секретарь — В34808 пропаганда ва адабиёт — санъат бўлимлари — В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — В33786. Партия турмуши ва ахборот, спорт бўлимлари — В35811, Қишлоқ хўжалиги ва фан мактаб, олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В37045. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048, Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64634.

В. 1821 Р—02688.